



20 20 у « 30 » сентябрь

№ Қ-501

« ___ » _____ 20__ г

**Бандихон тумани “Бандихон Сариосиё” массивида
фаолият юритаётган “XUSNORA GARDENING”
фермер хўжалигига “Иссиқхона” қуриш учун
рухсат бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/610-сон йиғилиш баёни, Бандихон тумани ҳокимининг 2020 йил 5 августдаги 01-05/1248-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/610-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Бандихон тумани “Бандихон Сариосиё” массивида фаолият юритаётган “XUSNORA GARDENING” фермер хўжалигига қарашли қишлоқ хўжалик харитасининг 369в-дала контуридаги 1,0 гектар яйлов ер майдонида “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланишга рухсат берилсин.

3. “XUSNORA GARDENING” фермер хўжалиги бошлиғи П.Мўминовга: иссиқхона учун рухсат берилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бандихон тумани ҳокимлиги (Ў.Чориев) рухсат берилаётганлиги муносабати билан туман ер ҳисоботида ва ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов